

9-10-2019

SOCIAL CHARACTERISTICS OF THE SPEECH IN JUDICIAL PROCEEDING

Khurmatillo Tulkinjon ugli Ismoilov
Andijan State University - doktrate

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ismoilov, Khurmatillo Tulkinjon ugli (2019) "SOCIAL CHARACTERISTICS OF THE SPEECH IN JUDICIAL PROCEEDING," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 6 , Article 59.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/59>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

SOCIAL CHARACTERISTICS OF THE SPEECH IN JUDICIAL PROCEEDING

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

СУД МАЖЛИСИДА НУТҚИЙ ХОСЛАНИШНИНГ СОЦИАЛ ОМИЛЛАРИ

Исмоилов Хурматилло Тўлқинжон ўғли
Андижон давлат университети - таянч докторант

Аннотация: Мақолада суд жараёни иштирокчилари нутқининг социолингвистик таҳлилига оид фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: Социолингвистика, социолингвистик таҳлил, нутқининг социолингвистик хусусиятлари ва хосланиши, суд мажлисида нутқининг хосланишини, социал нутқ, раислик қилувчи (судья)нинг нутқи, давлат айбловчиси (прокурор)нинг айблов нутқи, ҳимоячи (адвокат)нинг нутқи.

СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ СПЕЦИФИКИ РЕЧИ В СУДЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

Исмоилов Хурматилло Тулкинжон угли
Андижанский государственный университет - докторант

Аннотация: В статье изложены размышления о социолингвистическом анализе речи участников судебного процесса

Ключевые слова: Социолингвистика, социолингвистический анализ, социолингвистические особенности речи и характеристика речи, определение речи в суде, социальная речь, речь судьи, обвинительная речь прокурора, речь адвоката.

SOCIAL CHARACTERISTICS OF THE SPEECH IN JUDICIAL PROCEEDING

Ismoilov Khurmatillo Tulkinjon ugli
Andijan State University - doktrate

Abstract: The article about socio-linguistic analyses of the speech of parties to proceedings.

Keywords: Socio-linguistics, socio-linguistics analysis, socio-linguistic features of the speech, changing of the speech in the judicial proceedings, social speech, judge's speech, prosecutor's speech. lawyer's speech.

Бугунги кунда тилшунослик илмида татбиқий йўналишлар ва уларнинг ҳамкорликда ривожланиши анъанавий тилшуносликнинг кўплаб тушунчаларига қайтадан муружаат қилиш, уларни янги ижтимоий методология ва методлар асосида баҳолаш заруриятини юзага келтирди. Шу аснода анторпоцентрик йўналиш билан боғлиқ прагматингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, социолингвистика каби тилшунослик фани йўналишлари ўзига хос тадқиқ объекти билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Тилшуносликка ижтимоийлик тамойилдан кейин “социум” сўнгра “шахс омили” тушунчаларининг кириб келиши сўзловчи ва тингловчи нутқининг ўзига хос хусусияти, ўзаро муносабати, маълум шарт-шароит ва ижтимоий омиллар таъсирининг аҳамиятини таҳлил қилиш зарурияти долзарб бўлиб қолди. Тилда шахс омили масалаларини ўрганишга интилишлар илмий билимларнинг гуманистик ҳарактер касб этиши,

фаннинг “инсонийлашуви” умумий тенденцияси кучаяётганлиги билан ҳам белгиланади. [3, 19]. Шу маънода, ҳозирда тил бирликларининг нуткий воқеланиши, социал мавқе ҳамда тоифалар буйича хосланишини тадқиқ этиш муҳимдир.

Бугун амалга оширилаётган тадқиқотлар тил бирликларини амал килиш муҳитидан узиб олган ҳолда, шаклий ва маъновий томондан ўрганиш бир ёқлама қараш экани, тил бирликларининг ўзи ифодалаётган объектив борлиқ билан муносабати энг муҳим нуқталардан саналиши, шакл ва маънони лисоний шахс ва прагматик шароит ҳамда мулоқот муҳити билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш зарурлигини исботламоқда. Натижада тил бирликларининг нуткий воқеланиш муҳити ва вазияти, шахс билан муносабати томонига эътибор кучайди. Айниқса, тилшуносликда синтактик тадқиқотларнинг кучайиши натижасида шу нарса маълум бўлдики, тил бирликларининг шакл ва мазмун томондан тавсифи ҳам тилни тўлиқ изоҳлашга имкон бермайди. Тил бирликларини контекст, нутқ вазияти билан боғлаб ўрганишгина уларнинг маъносини тўғри тушунишга тўлиқ имконият беради[10].

Муайян бир тилда гаплашувчи жамиятнинг социал гуруҳланиши хилма-хилдир. Шунга кўра, ҳар қайси гуруҳнинг ўзига хос лингвистик белгилари мавжуд. Масалан, ҳудудий фарқланиш, касбий фарқланиш ва бошқалар. Ҳар қайси социал гуруҳнинг ўз лингвистик белгисига кўра фарқланиши, унинг ижтимоий сабабларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. [7, 136] Устоз профессор Абдуҳамид Нурмонов таъкидлаганидек “касбий фарқланиш” асосида ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос лингвистик белгилари мавжуд бўлади ва шу белгиларни шахснинг социал мақоми доирасида ва нутқининг социал хосланишига сабаб сифатида баҳолашимиз мумкин. Шу маънода, суд органига тегишли асослар ва суд жараёнидаги тил бирликларининг ифодаланиши социал мавқе ва унга хос нутқнинг намоён бўлишига ёрқин мисол бўла олади. Ҳар қандай нуткий шароитдан фарқли ўлароқ, суд ўзининг адолатли мезони, қатъий қонун-қоидаларга таяниб муҳокамалар олиб бориши, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириши ўзига хосдир.

Маълумки, тилшуносликда нутқнинг оғзаки ҳамда ёзма шакллари фарқланади. Шу асосда оғзаки нутқ кўриниши доимо ўзининг турли шароит ва вазиятда комуникантларнинг жонли мулоқотида намоён бўлади. Суд мажлиси шундай жараёнки, унда алоқа аралашуви жонли тарзда, қонун устуворлиги асосида адолатнинг юзага чиқишига қаратилган бўлади. “Суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.”(Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш. 26 модда, 2-қисм)[13].

Ёзма нутқ кўринишлари сифатида суд органи фаолиятини тартибга солувчи асослар, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни, Кодекслар ҳамда судга оид ҳужжатларни санаб ўтишимиз мумкин. Шу маънода биз бевосита таҳлил объекти сифатида Жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти, хусусан, суд мажлислари ҳамда Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари (суд мажлиси баённомалари, суд ажрими, суд ҳукми ва бошқ.) да нутқнинг ифодаланиши ва

социал хосланишига эътибор қаратмоқчимиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. (Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши 12 модда.)[13] “Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.” (Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш.16 модда)[13].

Социолингвистика тилшуносликнинг бошқа йўналишларидан тадқиқ предметининг ўзига хослиги билан ажралиб туради ва муайян бир шароитда маълум бир ахборотни нутк бирликлари воситасида тингловчига етказиш, бу жараёнда сўзловчи ва тингловчиларнинг социал белги-хусусиятларини тадқиқ қилиш асносида асосий эътиборини лисоний имкониятларнинг ижтимоий хосланишига қаратади, буни эса прагматик вазият ҳамкорлигини инобатга олмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Социолингвистиканинг нутқий текшириши унинг прагматик йуналишлар, яъни тил бирликларининг нутқий воқеланишини ўрганувчи йуналишлар билан боғланиб кетаётганлиги ҳам айни ҳақиқат[10]. Ҳар бир социал тоифа вакилларида тил имкониятларининг маълум жиҳатлари доирасида сўз танлаш ва ўзига хос нутқий ифода усуллари кутилади. Қуйидаги жадвал орқали фикримизни далиллашимиз мумкин.

Жадвал 1

№	Социал тоифа вакили	Социал тоифага <u>хос бўлган</u> (нутқий) кўриниш шакллари	Социал тоифага <u>хос бўлмаган</u> нутқий кўриниш шакллари
1.	Ўқитувчи	адабий тил меъёрларига қатъий амал қилиш.	диалектизм; жаргон ва арголардан фойдаланиш.
2.	Шифокор	адабий тил меъёрларига амал қилиш; тиббиётга оид термин ва жумлалардан фойдаланиш; эвфимизмлардан унумли фойдаланиш.	табулардан фойдаланиш.
3.	Ички ишлар ходими	адабий тил меъёрларига амал қилиш; расмий услубга хос нутқ.	жаргон ва арголардан фойдаланиш.
4.	Журналист	адабий тил меъёрларига амал қилиш; публицистик услубга хос нутқ.	варваризмлардан фойдаланиш.

Ушбу жадвал асосида суд мажлиси иштирокчиларида ҳам худди шундай нутқий хосланишларни фарқлашимиз мумкин. Масалан, суд муҳокамасида раислик

қилувчи (судья), давлат айбловчиси (прокурор), ҳимоячи (адвокат) ҳамда судланувчиларнинг нутқига хос айрим тил бирликларининг танланишига куйидаги омилар асос бўлади. Бу хусусиятларни ҳам жадвал кўринишида ифодалашимиз мумкин. Суд мажлисида:

Жадвал 2

№	Социал тоифа вакили	Социал тоифага хос бўлган (нутқий) кўриниш шакллари	Социал тоифага хос бўлмаган нутқий кўриниш шакллари
1.	Раислик қилувчи (судья)	адабий тил меъёрларига қатъий амал қилиш; расмий услубга хос нутқ; буюриш актининг кучлилиги; қатъий оҳанг. қонун тарғиботи, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш нутқи [2, 191-209]. мулоҳазаларнинг мантиқий асосланиши; қонунлар мазмуни ифодаланиши; юридик тилнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилиниши.	тилнинг эмоционал-эксперссив элементларидан фойдаланиш; тилнинг тасвирий ифодалари: перифразалар, фрезеологизмлар. Бундан ташқари: мақол-маталлар синонимлар, арго ва жаргонлар, диалектизмлар, окказионализмлар архаизм ва истаризмлар, ундов ва тақлид сўзлар ишлатилиши.
2.	Давлат айбловчиси (прокурор),	юридик тилнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилиниши; расмий услубга хос нутқ; адабий тил меъёрларига қатъий амал қилиш; эҳтирослардан ҳоли; нутқнинг аниқ, тўғри, равон ва таъсирчан тузилиши; қатъий оҳанг; жиддий кўриниш; нутқнинг фактлар ва амалдаги қонун нормаларига таяниб шакллантирилганлиги. ҳуқуқий маданияти ниҳоятда юксак шахс сифатида намоён бўлиши	тилнинг эмоционал-эксперссив элементларидан фойдаланиш; тилнинг тасвирий ифодалари: перифразалар, фрезеологизмлар. Бундан ташқари: мақол-маталлар синонимлар, арго ва жаргонлар, диалектизмлар, окказионализмлар архаизм ва истаризмлар,

		керак. [4, 122].	ундов ва тақлид сўзлар ишлатилиши.
3.	Ҳимоячи (адвокат)	адабий тил меъёрларига қатъий амал қилиш; расмий услубга хос нутқ; нутқнинг инсонпарварлик тамойилларига тўла мос келиши; судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоячиси сифатида кўриниш; ҳимоя санъати, нотиклик маҳоратига эга бўлиш; жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи шахс сифатида намоён бўлиш. [11, 18].	диалектизмлар, окказионализмлар архаизм ва истаризмлар, ундов ва тақлид сўзлар ишлатилиши.

Жадвалда келтирилган социал тоифаларнинг суд мажлисида хос бўлган (нутқий) кўриниш талаблари доирасида бўлиши ҳамда хос бўлмаган (нутқий) кўриниш сифатларини тарк этган ҳолда мулоқотга киришиши уларнинг социал мақомини белгилайди ва нутқининг социал хосланишига сабаб бўлади. Айтиш мумкин, омилар қуршовида ифодаланган сўз, жумла ва гаплар социал хосланган нутқ (контекст)дир. Шу ўринда айтиш жоизки, бундай нутқ мурожаат йўналтирилган шахсдан сўзловчига жавобан шу нутқ кўринишига мос тил бирликларини ва гап қурилиши танлаш, мурожаатнинг ўзига хос лингвистик ва экстралингвистик усулларидан фойдаланишни тақазо этади.

Социоллингвистик тадқиқотларда сўзловчи шахс ва нутқидаги хосланиш шундай аҳамиятлики, у орқали келтирилган жумла ёки контекстда тил бирликларининг маълум бир чегаралари ҳамда ижтимоий хусусиятлари мавжудлиги боис, бу нутқ кўринишининг айнан қайси социум вакилига тегишли эканини пайқаб олиш мумкин бўлади. Профессор Ҳ. Неъматов нутқнинг ижтимоий хосланишини сўзловчи ва тингловчининг маданий савиясига, ижтимоий мавқеига, жинсига, ёшига, касб-корига, мулоқотнинг контакт-дистантлигига, нутқ шаклига ҳамда мулоқот мавзуси табиатига кўра турларга ажратиб кўрсатади. [8, 43-44] Ушбу омилар суд жараёнида ўзига хос кўринишларга эга бўлиб, бу суд мажлиси баённомаси, суд ажрими ва суд ҳукмида ўз аксини топади. Хусусан:

“Ажрим эълон қилингандан бошлаб қонуний кучга киритилсин ва дарҳол ижро этилсин”. “Айбланувчи Бозоров Валижон Самадович (Bозоров Valijon Samadovich)га нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинсин”. “Якубов Тимур Аманжановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 1-қисми билан 3 (уч)йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин”. [4, 52-249] Суд ажрими ва суд ҳукмидан келтирилган парчаларда “қонуний кучга киритилсин”, “дарҳол ижро этилсин”, “эҳтиёт

чорасини қўллаш рад қилинсин”, “озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин” жумлаларининг ишлатилиши раислик қилувчи (судья нутқи)га хос хусусият бўлиб, шу жиҳати билан сўзловчининг ижтимоий мавқеи англашилади ҳамда унинг нутқида бундай ифодаларнинг келтирилиши социумнинг жамиятдаги статуси билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. [7, 21] Судья нутқида хос хусусиятлар шундан иборатки, унда қонунлар мазмуни ифодаланиши, мулоҳазаларнинг мантиқий асосланиши, расмий услубдан четга чиқиш ҳоллари йўқлиги, фикрлар қатъий оҳангда, ҳукм ва ажрим ва маълумотномалар асосида қилинган нутқида юридик тилнинг барча қонун-қоидаларига риоя этиши акс этади.

“Д.К.Каримовга жазо тайинлашда, унинг шахсини, оилавий шароитини, шунингдек, айбига тўлиқ иқрорлигини, жабрланувчи Л.Усмоновага етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва унинг даъвоси йўқлигини, инobatга олиб жазо тайинлашингизни сўрайман...”. “Муҳтарам суд ҳайътидан олдинги суд қарорини ўзгартиришни сўрайман” [12, 121] Ушбу парчадаги *“жазо тайинлашингизни сўрайман”, “ўзгартиришни сўрайман”* жумлалари нутқнинг прокурорга тегишли эканига ишора қилади. Бундай хосланишнинг сабаби нутқнинг жиноий ҳодиса таҳлилига бағишланганлиги, прокурор ўз вазифаси нуқтаи назаридан содир этилган жиноят ёки ҳуқуқбузарликни амалдаги қонунга асосланиб баҳолаши, давлат ва қонун манфаатини ҳимоячиси экани билан боғлиқ. Қонун ва давлат ҳимоячиси бўлган прокурор нутқи расмийлиги, судланувчини айблаётганда фактлар ва амалдаги қонун нормаларига таяниб шакллантирилганлиги билан суд жараёнидаги бошқа нутқлардан фарқланади. Прокурор сўзларни тўғри талаффуз қилиши, ифодали ва таъсирчан нутқи билан ҳуқуқий маданияти ниҳоятда юксак шахс сифатида намоён бўлиши керак. [5, 122].

Ёки: - *“Ҳурматли судья ва халқ маслаҳатчилари! ...Солимов Ғайрат Юсуповични оқлаб, уни суд залидан озод қилинишини сўрайман”*. *“Ҳимоямдаги Собиров Тоҳирга нисбатан ЎзР ЖК нинг 277- модда 3-қисм бўйича оқлов ҳукми чиқаришингизни сўрайман”*. [12, 49-62] Ушбу парчада *“Ҳурматли судья ва халқ маслаҳатчилари!”*, *“суд залидан озод қилинишини сўрайман”*, *“оқлов ҳукми чиқаришингизни сўрайман”* ифодалари бу жумлаларнинг ҳимоячи (адвокат)га тегишли эканини изоҳлайди. Суд жараёнидаги энг муҳим нутқлардан бири адвокатнинг ҳимоя нутқи ҳисобланади. Чунки бу нутқ суд жараёнида тақдири суд ҳукмига боғлиқ бўлиб турган, қандай жиноятни содир этганлиги ёки қонунни бузганлигидан қатъи назар, судланаётган кишини инсонпарварлик тамойилларига кўра ҳимоя қилади. [9,146] *“Ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарурий юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс-дир. Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. [13, 32]*

Шу ўринда айтишимиз жоизки, “тил ва жамият муносабатларини тадқиқ этувчи социолингвистика йуналиши бутун дунё тилшунослигида энг устувор йуналишлардан бири сифатида тараққий топиб бораётганига қарамасдан, бизнинг тилшунослигимизда социолингвистик тадқиқотлар ҳали кўлам касб этиб улгурганича йўқ”. [6, 156] Профессор Маҳмудов таъкидлаганидек, ўзбек тилшунослигида

социолингвистик тадқиқотлар борасида ҳали етарлича ишлар амалга оширилган эмас. Ўзбек тилшунослигида олиб борилган социолингвистик тадқиқотларда бадиий матн асосий манба бўлиб хизмат қилган. Социолингвистлар олдида жонли сўзлашув нутқини ўрганиш муаммоси турганини алоҳида таъкидлашимиз зарурдир. [10,12] Шу маънода бадиий матндан фарқли ҳолда, суд муҳокамаси иштирокчиларининг жонли мулоқотини кузатиш баробарида, ўзига ҳос нутқий хосланишларни социолингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш ва шу асосда шахслар аро муносабатларга тўғри баҳо бера олиш кўникмасини шакллантиришимиз зарур. Чунки мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни айнан шундай муносабатларни тақозо этади. [2, 152]

References:

1. Jinoyat ishlari bo'yicha sud hujjatlari. – Toshkent: Adolat, 2015. B. 52-249.
2. Karimov S., Mamatov.X., Bo'riev I. Yuristning nutq madaniyati. – Toshkent: Zarqalam, 2004. – B. 152.
3. Karaulov YU.N. Russkiy yazik i yazikovaya lichnost. – M.: Nauka, 1987. – B. 19.
4. Mirhamidov M., Norpo'latov N., Hasanov S. Yuristning nutq madaniyati. – Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2005. – B.191-209.
5. Mirhamidov M., Hasanov S. Yuridik til va huquqshunos nutqi. – Toshkent: Universitet, 2004. – B.122.
6. Mahmudov N. O'zbek tilshunosligining bugungi muammolari // "O'zbek tilshunosligi taraqqiyoti va istiqbollari" mavzusidagi Respublika Ilmiy-nazariy anjumani materiallari. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2016. – B. 156.
7. Nurmonov A. Tilshunoslikning sotsiologiya bilan munosabati// Tanlangan asarlar. 1-jild. – Toshkent: Akadem nashr. 2012. – B. 136.
8. Ne'matov H., Jo'raev B. Sotsiolingvistika. – Buxoro, 2004. – B. 43-44.
9. S.Karimov., X.Mamatov., I.Bo'riev Yuristning nutq madaniyati. – Toshkent: Zarqalam, 2004. – B.146.
10. Yo'ldasheva X. O'zbek tarixiy romanlarining sotsiolingvistik tadqiqi. Filol.fan.b.falsafa dok. ... (PhD) diss.. – T. 2017. - B-21.
11. Yuridik atamalar qomusiy lug'ati. – Toshkent: SHarq, 2003. – B. 18.
12. O'zbekiston advokatlarining himoya nutqlari. – Toshkent: Adolat, 2006.
13. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksi. - Toshkent: Adolat. 2018 - 26-modda. B. 32.